

# Тазкия дарслари (153-дарс). Яхши ва ёмон бидъат

**ТАЗКИЯ**  
153-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



17:00 / 11.09.2021 4389

Бидъатнинг мазкур беш қисмга тақсимланишига далиллар ҳам келтирганлар:

هَلْ لِي صِلَاةٍ لِّهَلْ لِي وَسْرَ لِقَاقٍ: لِقَاقُ هُنَّ عُهُلٌ لِي صِرَ هَلْ لِي دَبَعٌ نَبِي رِي رَجْ نَع  
بِتُّكَ هَدَعَبٌ أَوْ لِمُعَفَّةً نَسَحَ هُنَّ سِمَ الْإِسْإِلَ فِي نَسْنَمَ: «مَلَسُو هِي لَع  
فِي نَسْنَمَ وَهُنَّ شِمُورُجُأْ نَمُ صُقُنِي الْوَأَوْ أَوْ لِمَعْنَمُ رَجْأُ لُشْمُ هَلْ  
أَوْ لِمَعْنَمُ رَزُو لُشْمُ هِي لَعَبِتُّكَ هَدَعَبٌ أَوْ لِمُعَفَّةً هِي سَمُ الْإِسْإِلَ  
مَلَسْمُ هَاوَرُ». «هُنَّ شِمُورُزَوُأْ نَمُ صُقُنِي الْوَأَوْ

1. Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Исломда гўзал суннат пайдо қилса ва ундан кейин ўша суннатга амал қилинса, унга ўшанга амал қилганлар ажрига ўхшаш ажр, уларнинг ажридан бирор нарса ноқис қилинмаган ҳолда ёзилиб туради.

Ким Исломда бир ёмон суннат пайдо қилса ва ундан кейин ўша суннатга амал қилинса, унга ўша амал қилганлар гуноҳига ўхшаш гуноҳ, уларнинг гуноҳларидан бирор нарса ноқис қилинмаган ҳолда ёзилиб туради», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

نُبِّ رَمْعَ عَمُ تُجَحَّ رَحَ : لِقَاقُ هُنَّ أَعْنَهُ لَلِ يَضَرُّ يِرَاقُ لَلِ نُبِّ نَمَّ حَرِّ لَلِ دُبَعُ نَعْنُ  
يِلَّصِي نَوُقَرَفَتُمْ عَزَوَأُ سَأَنَلِ إِذِ فِ دِجُ سَمَلِ لَلِ نِاضَمَرِ يِفِ بَاطُ خَلِ لَلِ  
رَمْعَ لِقَاقُ فِ طَهْرَلِ وَتَ لَصَبِ يِلَّصِي فِ لُجَرِّ لَلِ يِلَّصِي وَوَسْفَنَلِ لُجَرِّ لَلِ  
مُوعَمَّ حَفِ : لَتَمَّ أَنْ كَلَّ دِحَّ أَوَّ يِرَاقُ يَلَعِ عَ لَوَّهَ تُعَمَّ حُ وَلِ يِنَ أَرَأَلِ يِنَّ إِهَلِ لَو  
نَوُلَّصِي سَأَنَلِ لَو يِرَاقُ أَعْنَهُ لَقَاقُ مَثُ : لِقَاقُ يِبْعَكَ نُبِّ يِبَّ أَعْنَهُ  
لُصْفَأُ هُنَّ نَوُمَ أَنْ تِ يِتَّ لَو وَوَدَّهَ عَدَبَلِ تَمْعَنُ : رَمْعَ لِقَاقُ فِ مَوَّ يِرَاقُ لَصَبِ  
هُوَ رَ : هَلَّ وَأَنْ نَوُمُ وُقَيِ سَأَنَلِ لَو أَنْ كَوَّ : لَقَاقُ لَلِ رَحَّ أَعْنَهُ يِنَّ نَوُمُ وُقَيِ يِتَّ لَو نَمَّ  
لَلِ أَم :

2. Абдурроҳман ибн ал-Қорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу билан Рамазон кечаларининг бирида масжидга чиқдим. Қарасак, одамлар гуруҳ-гуруҳ билан тарқоқ ҳолларида: кимдир ўзи намоз ўқимоқда, кимдир намоз ўқиса, бир неча киши унга иқтидо қилмоқда. Шунда Умар:

«Аллоҳга қасам, менимча, анавиларни бир қори(орти)га жамласам яхши бўлади», деди.

Сўнгра уларни Убай ибн Каъбнинг ортидан жамлади. Кейин, бошқа бир кечада мен яна у билан чиққанимда одамлар қориларга иқтидо қилиб намоз ўқишар эди.

«Бу қандай ҳам яхши бидъат. Қоим бўлган пайтларидан кўра ухлаб ётган пайтлари(да ибодат қилишлари) афзал», деди ҳазрати Умар.

Кечанинг охирида, демоқчи. Одамлар кечанинг аввалида қоим бўлишар эди».

Молик ривоят қилган.

نُبِّ هَلَّ لَلِ دُبَعُ إِذِ فِ دِجُ سَمَلِ لَلِ رِزِي بَزَلِ نُبِّ عَوْرَعُ وَا نَأُ تَلَحَّدَ : لِقَاقُ يِهَاجُمُ نَعْنُ  
يِدِجُ سَمَلِ يِفِ يَحْضَلِ لَو نَوُلَّصِي سَأَنَلِ لَو عَشَائِعَ عَرَجُحَ يَلِ لَسَلِجَ رَمْعَ  
دَمَّحَ أَوْ مَلَّ سَمُ هَوَّ رَ : عَدَبُ : لِقَاقُ فِ مَوَّ يِرَاقُ لَصَبِ نَعْنُ هَلَّ لَلِ أَسَفِ

3. Мужоҳиддан ривоят қилинади:

«Урва ибн Зубайр билан бирга масжидга кирдик. Қарасак, Абдуллоҳ ибн Умар Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳужраси олдида ўтирган экан. Одамлар бўлса жамоат бўлиб зуҳо намози ўқимоқдалар. Биз уларнинг намози ҳақида сўраган эдик, «Бидъат», деди».

Муслим ва Аҳмад ривоят қилишган.

Кўпчилик мазкур таърифга биноан, бидъатни иккига тақсимлаб қўя қоладилар ва «Бидъат икки хил: яхши ва ёмон бидъат», дейдилар.

Иккинчи йўналишдаги уламолар – имом Молик, Шотибий, Туртиший, ҳанафийлардан имом Шумунний ва Айний, шофеъийлардан Байҳақий, Ибн Ҳажар Асқалоний ва Ибн Ҳажар Ҳайсамий, ҳанбалийлардан Ибн Ражаб ва Ибн Таймияларнинг фикрича, бидъатнинг барчаси – ибодатдагиси ҳам, одатдагиси ҳам залолатдир.

***«Рухий тарбия» китоби асосида тайёрланди***